

## СУРХОН ВОҲАСИ АЁЛЛАРИНИНГ ПИЛЛАЧИЛИК РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

**Сабоҳат Бобуровна Ражабова**

Термиз давлат университети ўқитувчиси

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада мамлакатимизда енгил саноатнинг етакчи тармоқлардан бири саналган пиллачилик ва бу соҳани ривожлантиришга қаратилган қонунлар, фармонлар, қабул қилинган қарорлар ва уларнинг ижросини таъминлаш мақсадиди Сурхондарё вилоятида амалга оширилган чоратadbирлар мисоллар асосида ўз аксини топган. Бундан ташқари мақолада Сурхондарё вилоятида пиллачилик соҳасида эришилаётган ютуқлар ва бу соҳани ривожлантиришга муносиб ҳиссасини қўшган хотин-қизлар ҳақида маълумот келтирилган.

**Калит сўзлар:** пиллачилик, инновацион пиллаҳона, “Ўзбекипаксаноат”, “Агропилла” МЧЖ, “Мажнун тут”, “Фидокорона меҳнатлари учун”, “Ҳурмат белгиси”, “Меҳнат шуҳрати”.

## THE CONTRIBUTION OF WOMEN IN THE SURKHANDARYA OASIS TO THE DEVELOPMENT OF SERICULTURE

**Sabohat Boburovna Rajapova**

Teacher of the Department of World History, Termez State University

### ABSTRACT

This article reflects the examples of laws, decrees, decisions and measures taken in Surkhandarya region to develop silkworm breeding, one of the leading branches of light industry in the country, and to ensure their implementation. In addition, the article provides information about the achievements in the field of silkworm breeding in Surkhandarya region and the women who have made a worthy contribution to the development of this industry.

**Keywords:** silkworm breeding, innovative cocoon house, “Uzbekipaksanoat”, “Agropilla” LLC, “Mad mulberry”, “For selfless labor”, “Badge of honor”, “Labor glory”.

## **КИРИШ**

Маълумки, юртимизда пилла етиштириш ўзининг асрий тарихига эга бўлган соҳалардан. Шу сабабли, халқимиз ипак қуртини етиштириш борасида анча самарали усулларидадан фойдаланиб ундан мўл ҳосил олиб келган. Инновацион ғоялар жадал ривожланиб келаётган бугунги кун шароитида барча соҳаларда бўлгани сингари пиллачиликда ҳам катта янгиликлар амалиётга жорий қилинмоқда. Пиллачилик бўйича жаҳоннинг энг ривожланган давлатларининг тажрибалари ўрганилиб юртимизда тадбиқ қилинмоқда. Пилладан ҳосил олиш мавсумий баҳор фасли ойларидагина эмас балки, ёз фаслида ҳам амалга оширилиб келинмоқда. Бу каби янги усулда пилла ҳосилини етиштириш мамлакатимизнинг пиллани экспорт қилиш қобилиятини анча кенгайтиради ва пилла сифатини оширади.

## **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ**

Ушбу мақолани ёзишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартда “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”[1], 2018 йил 4 декабрида “Республикада пиллачилик тармоғини янада ривожлантиришга доир чора тадбирлари тўғрисида”[2] ва “Пиллачилик тармоғини янада ривожлантиришга доир чора тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3616-сонли[3] қарорлари ва уларнинг ижроси таъминлаганлиги бўйича Сурхондарё вилоятидаги тегишли ташкилотларнинг статистик ҳисоботларидан фойдаланилди. Шунингдек, мавзуга тегишли бўлган мустақиллик йилларида яратилган илмий асарлар, газета ва журналлардаги мақолалар ўрганилди.

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Сўнги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги ва саноат соҳасидаги ислоҳатлар натижасида инновацион пиллахоналар барпо этилмоқда. Бундай пиллахоналар сони Сурхондарё вилоятида 2018 йилнинг ўрталарига келиб 51тага етди[4]. Ҳар бир инновацион пиллахоналарда ўртача 80 нафаргача киши иш билан таъминланди. Оилавий звенолар ҳам ташкил этилди. Инновацион пиллахоналарда ишчиларнинг асосий қисмини аёллар ташкил этиб, улар бу соҳада ўзига хос кўникма ва малакаларга эга бўлиб келмоқдалар.

Пиллачиликда ипак қурти озуқа базаси албатта ўзига хос катта аҳамиятга эга саналади. Бу борада ҳам кўпгина тадбирлар амалга оширилмоқда хусусан,

2020 йилнинг 17 январида “Пиллачилик тармоғида ипак қурти озуқа базасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги президентимизнинг ПҚ-4567-сон қарорига мувофиқ, 2020 йилда мамлакатимизда янги тутзорлар учун майдонлар белгилаб берилди ва йилнинг II чорагида мамлакатимиз миқёсида 4985 гектар ер майдони ажратилди[5].

Соҳани янада ривожлантиришда Президентимизнинг 2019 йил 31-июлдаги “Пиллачилик тармоғида чуқур қайта ишлашни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ 4411-сон қарори алоҳида аҳамият касб этди. Қарорга мувофиқ 2022 йил 1 августга қадар пиллачилик тармоғи корхоналарига (уларнинг ваколатли вакилларига) маҳсулотларни АҚШ, Европа Иттифоқи давлатлари ва Туркияга экспорт қилишда ҳаво ва темир йўллари транспортида ташиш харажатларининг 50% гача миқдорини компенсация қилишга бюджет субсидиялари тақдим этилди[6].

Қабул қилинган қарор Сурхондарё вилоятининг барча туманларида пиллачиликни янада ривожлантиришга тurtки бўлди. Вилоятнинг Жарқўрғон туманида фаолият юритаётган пиллакор аёллар 2018 йил соҳада биринчилардан бўлиб, пилла хирмонини барпо этди. “Қоинот”, “Ширин мевалар файзи”, “Эргаш бобо” фермер хўжаликларидаги Жамила Мисирова, Гулнора Тожиева, Рўзихол Бердиева каби заҳматкаш пиллакорлар ҳар бир қути ипак қуртидан 65-70 килограммгача “қумуш тола” етиштирдилар. Улар туман “Агро пилла” МЧЖ билан ҳамкорликда иш олиб бордилар, жамият уларга барча масалаларда қўмаклашиб келмоқда. 2018 йилда Жарқўрғон тумани учун Хитойдан 3459 қути ипак қурти олиб келинди. Шартнома асосида 2735 та оилавий звеноларга ипак қурти тарқатилди[7].

Қумқўрғон тумани иқтисодиётида ҳам пиллачилик соҳаси ўзига хос ўринга эга. Туман заҳматкашлари 2018 йилда уч марта пилла хирмонини топширган бўлсалар, биринчи ҳосилдан улар 193 тонна пилла маҳсулотини олишди. Мавсум давомида пилла ҳосилини кунига 45-50 килограммдан топширишди. Қумқўрғон туманида пилла ҳосилининг самарали етиштирилишида туман “Агротилла” жамиятининг бош агрономи Қумушгул Жанабаеванинг хизмати катта бўлди[8]. Ипак қуртини етиштириш учун туманда инновацион пиллаҳоналар барпо этилгандан сўнг, биргина 2018 йилнинг ўзида Қумқўрғон туманида жами 250 нафар аёллар доимий иш билан таъминланди. Улар учун меҳнат дафтарчаси очилиб иш стажи белгиланди. Тумандаги бир неча йиллик меҳнат тажрибасига эга бўлган моҳир пиллакорлардан Мавлуда Қурбонова 2018 йилги мавсум давомида уч марта

пилла ҳосилини етиштирган ва янги усулда ипак қуртининг етиштирилиши ҳар томонлама қулайлигини, ҳосили ҳам унумли бўлишини англаб етган ҳолда самарали фаолият олиб борган ҳолда пиллачилик соҳасига катта ҳисса қўшиб келмоқда. Қумқўрғон туманида пилла ҳосилини етказишда етакчи ўринларни эгаллаган фермер хўжаликлардан бири “Насиба Суюнова” фермер хўжалиги ҳисобланади. Фермер Насиба Суюнова 10 қути ипак қуртини парваришлаб, 600 кг ўрнига 641 кг пилла ҳосилини етиштирди[9].

Вилоятимизда пиллачилик соҳасида ўзига хос ўринга эга бўлган ва меҳнатлари давлатимиз томонидан муносиб рағбатлантирилган пиллакорларимиз ҳам жуда кўпчиликини ташкил этади. Пиллачилик соҳасига катта ҳисса қўшган аёллардан бири Гулсара Қурбонбекова 1967 йилда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг “Пиллачилик” факультетига ўқишга кирди. 1972 йилда ўқишни тугаллаб, меҳнат фаолиятини Жарқўрғон туман пахта тозалаш заводида ҳисобчи бўлиб ишлашдан бошлади. 1973 йил апрелида “Ўрта Осиё пиллачилик илмий текшириш институти”нинг Жарқўрғон туман таянч пунктида илмий ходим бўлиб ишлай бошлади ва бу ерда 1988 йилгача ишлади. Меҳнат фаолияти давомида Сурхондарё шароитига мос келадиган навларни етиштириш устида иш олиб борган. Энг асосий ишларидан бири, кузда тут уруғини сепиб, қишлатиб, эрта баҳорда тўлиқ униб чиқишини ва иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлишини исботлади ва бу иш Давлат қўмитаси томонидан ишлаб чиқаришга қўлланилди. Амалга оширган яна бир ишлари Сурхондарё шароитида 3 марта қурт боқиш мумкинлигини амалиётда синаб кўрди. Меҳнат фаолиятида бир неча бор Фахрий ёрликлар ва давлат мукофотлари билан тақдирланди. Турмуш ўртоғи Турдикулов Нормамат ҳам пиллачи агроном бўлиб, узоқ йиллар давомида тутчиликка ихтисослашган “Мажнун тут” фермер хўжалигини бошқарди. Қурбонбекова Гулсара 25 йил пиллачилик соҳасида фаолият юритдиб келди ва ўз касби орқали эл ичида ҳурмат қозонди[10].

Сурхондарё вилоятининг пиллачилик ривожига Ҳалима Эшонқулованинг ҳам алоҳида ўрни бор. У 1941 йил 10 февралда Шерабод тумани марказида таваллуд топди. 1988 йилда Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг Ипакчилик факултетига ўқишга кирди. Пиллачилик факултетини 1963 йилда тугатиб, Сурхондарёга йўлланма олди. У ёшлар билан ташкилотчилик ишларида катта намуна кўрсатди. У пиллачилик бошқармасига бош агроном вазифасига таклиф қилинди. 1965- 1985 йилларда шу лавозимда фаолият олиб борди. Тутчилик, пиллачилик ривожига ва келажаги учун ҳаракат қилди. Вилоятда ҳар қути пилладан ҳосил олиш 50 кгдан 70 кгга етказилди. Унинг

меҳнати эътироф этилиб, 5 марта ғолиблик нишони, **“Меҳнат шуҳрати”** ордени, **“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими”** унвони билан тақдирланди.

Ҳалима Эшонқулова Термиз тумани пиллачилик ишларини яхшилаш мақсадида 1986 йилдан у ерга бошлиқ қилиб ўтказилди. Термиз туманида 2000 йилгача Пиллачилик идорасида бошлиқ бўлиб ишлаб, иш бошлаган даврда туман атиги 130 тонна пилла ҳосили етказиб берган бўлса, кейинги йилларда 160 – 180 тонна пилла етказиб берди[11].

Воҳа пиллачилигига катта ҳисса қўшган фидойи, меҳнатқаш, жонкуяр аёлларидан яна бири Менгал Холлиевадир. Захматқаш аёл 1940 йилда 1 май куни туғилган. Ўғли ташкил қилган **“Баҳодир”** фермер хўжалигида пиллачилик билан 1993 йилдан буён шуғулланиб келган. У қилган меҳнатлари эвазига муносиб тақдирланиб 2005 йилда **“Фидокорона меҳнатлари учун”** ордени билан тақдирланди[11].

Қизириқ туманида ҳам пиллачилик соҳасида катта ютуқларга эришган аёллар кўплаб топилади, уларнинг орасида Ўлғузи Аҳмедовани алоҳида таъкидлаш лозим. У узоқ йиллар давомида пиллачиликнинг сир асрорларини юзлаб аёлларга ўргатиб, пиллачиликда ўзига хос мактаб яратди. Намунали хизматлари учун 1982 йилда **“Ҳурмат белгиси”** ордени билан тақдирланган. Мустақиллик йилларида унинг халқ олдидаги фидокарона хизматлари муносиб баҳоланиб, 1992 йил Мустақиллик байрами арафасида **“Мустақиллик эсдалик нишони”**, 2002 йилда эса **“Меҳнат шуҳрати”** ордени билан тақдирланди[12].

## ХУЛОСА

Хулоса қилганимизда, халқимиз томонидан бундай ўз касбининг фидойилари доимо ҳурмат ва эъзозда. Юртимизда фаолият олиб бораётган юқорида санаб ўтилган фидойи аёлларнинг меҳнати самараси туфайли бугунги кунда тонналаб **“кумуш тола”** етиштирилиб келинмоқда.

## REFERENCES

1. Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated March 29, 2017 No. PK-2856 "On measures to organize the activities of the organization" *Uzbekpaksanoat* ".
2. Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated December 4, 2018 No. PK-4047 "On measures to further develop the cocoon industry in the Republic".

3. Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated March 20, 2018 No. PK-3616 "On further development of silkworm breeding".
4. The current archive of the Surkhandarya regional branch of the Uzbekpaksanoat. From the annual report for 2018. P.
5. Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated January 17, 2020 No. PK-4567 "On additional measures to develop the food base of silkworms in the silk industry".
6. Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated July 31, 2019 No. PK-4411 "On additional measures for the development of deep processing in the silk industry".
7. Annual report of "Agropilla" LLC of Zharkurgan district.
8. Burkhon Buronovich Jahongirov (2021). Scientific and technical relations between Uzbekistan and Japan. Academic Research in Educational Sciences, 2 (Special Issue 1), 312-318.
9. Surkhan Tongi newspaper (April 7, 2018). ]
10. Current archive of Surkhandarya region, fund 5.
11. Burkhon Buronovich Jahongirov (2021). Scientific and technical relations of uzbekistan with european countries. Journal of look. To the past volume, 4, issue 2. 16-21.
12. Burkhon Buronovich Jahongirov (2021). Scientific cooperations between uzbekistan and foreign Countries. Academic research in educational contents Volume 2, Issue 2, 986-994.